TOSHKENT OQSHOMI

2026 ЙИЛ
09 октябрь,
ЖУМА


Баҳоси келишилган нархда

№ 02 (14,173)

Газета 1966 йил 1июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Вечерний Ташкент



Қийналади офтобни кутиб
Ёмғирларда ивиган шаҳар...
...Ухлаб қолдинг, йиғлаб, қон ютиб,
Кўринганда уфқда саҳар.
Мен тақдиримдан ҳеч нолимайман,
Гар алмашди шомга тонгимни.
Олиб келди бу оқшом билан
Узоқларда қолган жонимни.
Менинг сарсон умримга ойдин
Ривож тилаб у чекди фигон.
Оёғини тавоф қилдим мен —
Дунёда энг омадсиз ўғлон.
У ҳеч нарса қилмади талаб,
Минг ўргилди қошу кўзимдан.
Унинг қаро сочларни силаб,
Бу тун кечдим ҳатто ўзимдан.
Ёмғир ёғди майда-майдалаб,
Майда-майда бўлди юрагим.
Тонг отгунча қайта-қайталаб,
"Севасанми" дея сўрадим.
Қийналади офтобни кутиб,
Ёмғирларда ивиган шаҳар...
...Сен кетасан қайга қон ютиб,
Мени қайга бошлайди саҳар?

Усмон Азим
Ўзбекистон халқ шоири

ДАВЛАТДАН — ХУСУСИЙ ТАШАББУСГА:
ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЁТИДА ЯНГИ БОШҚАРУВ МОДЕЛИ



Бугун Тошкент иқтисодиётида муҳим трансформация жараёни кечмоқда. Давлатнинг хўжалик юритишдаги бевосита иштироки босқичма-босқич қисқариб, хусусий сектор, инвестиция ва давлат-хусусий шериклик механизмларининг ўрни кенгаймоқда. Бу жараённинг мақсади фақат давлат активларини хусусий бошқарувга бериш эмас. Асосий вазифа — рақобат муҳитини кучайтириш, тадбиркор учун аниқ ва тушунарли қоидалар яратиш, шаҳар инфратузилмасига хусусий капитал ҳамда замонавий бошқарув тажрибасини жалб этиш.

Пойтахтда ҳар минг нафар аҳолига 29 та фаол тадбиркорлик субъекти тўғри келаётгани ҳам хусусий ташаббус шаҳар иқтисодий ҳаётида тобора муҳим ўрин эгаллаётганини кўрсатади. Тошкент шаҳар ҳокими Шавкат Умрзоқовнинг таъкидлашича, давлат иқтисодиётда бошқа корхоналар қаторида оддий иштирокчи эмас, балки холис қоидаларни белгилайдиган, аҳоли ва хусусий сектор учун қулай муҳит яратадиган томон бўлиши керак.

БОШҚАРИШ ЭМАС, ШАРОИТ ЯРАТИШ!

Шавкат Умрзоқов давлат иштирокини қисқартириш жараёнини иқтисодиётдаги янги ёндашув сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, давлатнинг кучи бозор ёки автотураргоҳни ўзи бошқаришида эмас, балки адолатли қоидалар ўрнатиб, хусусий ташаббусга йўл очишида намоён бўлади.

Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йилнинг 28 август куни қабул қилинган «Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Пойтахт иқтисодиётида кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 49,9 фоизга етган. Шаҳар раҳбарияти жорий йилда бу кўрсаткични 53,8 фоизга етказишни режалаштирмоқда. Бу рақамлар хусусий секторни иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айлантириш мақсади борлигини кўрсатади.

Янги ёндашув бозорлар, автотураргоҳлар, бекатлар ва боғлар каби шаҳар инфратузилмаси объектларида ҳам намоён бўлмоқда. Бозорларни белгиланган шартлар асосида хусусий бошқарувга ўтказиш, автотураргоҳларни аукцион орқали хусусий секторга очиш, бекатлар инфратузилмасини инвесторлар ҳисобига янгилаш ва боғларда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини йўлга қўйиш шулар жумласидан.

Бундай модель халқаро тажрибада ҳам мавжуд. Масалан, Нью-Йоркдаги машҳур Марказий боғни сақлаш ва ривожлантиришда хусусий нотижорат тузилманинг иштироки муҳим ўрин тутади. Тошкентда ҳам хусусий сектор иштирокидаги лойиҳалар сони 200 дан ошган. Бироқ шаҳар ҳокими бу кўлам ҳали етарли эмаслигини, бизнес самаралироқ ишлаши мумкин бўлган кўплаб лойиҳаларда давлат иштироки сақланиб қолаётганини қайд этади.

Шу билан бирга, хусусий бошқарувга ўтиш назоратсиз жараён бўлмаслиги таъкидланмоқда. Ҳар бир лойиҳада аҳоли учун нархларнинг асоссиз ошмаслиги, инфратузилманинг ижтимоий вазифаси сақланиши ва жамоат манфаати хусусий манфаатдан устун туриши асосий кафолатлар сифатида белгиланмоқда.

ИНВЕСТИЦИЯ: РАҚАМДАН КЎРА ИШОНЧ МУҲИМ!

Тошкентда инвестиция имкониятлари саноат, қурилиш, хизматлар, логистика, IT ва шаҳар инфратузилмаси каби кўплаб йўналишларда кенгаймоқда. Аммо инвестор учун соҳалар рўйхатидан кўра, икки масала муҳимроқ: сармоянинг ҳуқуқий ҳимояси ва маҳсулот ёки хизмат учун барқарор бозорнинг мавжудлиги. Келтирилган маълумотларга кўра, 2022 йилда Тошкент шаҳрига 1,5 миллиард доллар инвестиция киритилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 6,6 миллиард долларга етган. Жорий йил учун эса 9 миллиард долларлик вазифа белгиланган. Шу даврда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 147 триллион сўмдан 370 триллион сўмгача ўсган, инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши 23 фоиздан ошган.

Бу жараённинг муҳим нуқталаридан бири — «Янги авлод» махсус саноат зонаси. Биринчи босқичдаги 750 гектар майдоннинг 80 фоизи бўйича инвесторлар аниқланган, дастлабки корхоналар ишга туширилган. Президент топшириғи асосида зона яна 500 гектарга кенгайтирилмоқда.

Бу ерда гап фақат алоҳида заводларни ишга тушириш ҳақида эмас.

АСОСИЙ МАҚСАД — ЎЗАРО БОҒЛАНГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЭКОТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Масалан, PepsiCo заводи билан бир қаторда алюминий банка ишлаб чиқариш ва қуйиш каби йўналишларни ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш эса фақат тайёр машина билан чекланмайди. Бу йўналиш бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган ўнлаб кичик ва ўрта корхоналар, янги муҳандислик компетенциялари ва экспорт имкониятларини шакллантириши мумкин. Шаҳар раҳбарияти ҳисоб-китобларига кўра, бундай турдаги транспорт воситаларига Тошкентнинг ўзида 50 мингдан ортиқ эҳтиёж мавжуд. Шунингдек, «Корзинка» логистика маркази замонавий таъминот занжири технологияларини жорий этиши, робототехника йўналишидаги корхоналарнинг жойлашиши ҳам саноат зонасининг технологик қиёфасини ўзгартириши кутилмоқда.

Режадаги қувватлар тўлиқ ишга тушса, 3–5 йил ичида зонада йилига 10 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда 10–20 минг нафар ёшни замонавий ва даромадли иш ўринлари билан таъминлаш мақсад қилинган.

ИМКОНИЯТ ФАҚАТ САНОАТ БИЛАН ЧЕКЛАНМАЙДИ

Пойтахтдаги инвестиция сиёсати саноатдан ташқари қурилиш, хизматлар ва шаҳар инфратузилмасини ҳам қамраб олмоқда.

Тошкент мамлакатдаги қурилиш ишларининг қарийб чораги амалга ошириладиган ҳудуд сифатида мастер-режалар асосида комплекс ўзлаштириладиган майдонларни инвесторларга таклиф этишни режалаштирмоқда.

Хизматлар соҳасида ҳам янги имкониятлар шаклланмоқда. Келтирилган маълумотларга кўра, IT Park резидентларининг экспорт ҳажми 500 миллион долларга етган. Бозорларни модернизация қилиш, гавжум кўчалардаги инфратузилмани яхшилаш ва 200 минг ўринли автотураргоҳ дастури каби йўналишлар аукцион ҳамда давлат-хусусий шериклик механизмлари орқали хусусий капитал учун очилмоқда. Бу ёндашувда инвестиция фақат молиявий ресурс сифатида қаралмаяпти. Ҳар бир сармоя билан бирга технология, билим, янги иш ўринлари, экспорт имконияти ва солиқ базаси ҳам кириб келиши керак. Демак, асосий мезон инвестиция ҳажмининг ўзи эмас, балки унинг шаҳар иқтисодиёти ва аҳоли фаровонлигига берадиган самарасидир.

ТАДБИРКОР УЧУН ЭНГ МУҲИМ РЕСУРС — АНИҚЛИК

Хусусий секторнинг фаоллиги фақат маблағ ёки бозорга эмас, маъмурий жараёнларнинг қай даражада аниқ ва тушунарли эканига ҳам боғлиқ.

Тадбиркор учун тартиб-қоидалар, жараён муддати ва мулк ҳуқуқининг ҳимояси олдиндан маълум бўлса, бизнес қарор қабул қилиши осонлашади. Бюрократик тўсиқлар эса, аксинча, вақт ва ресурс йўқотилишига, жараёнларда ноаниқлик пайдо бўлишига олиб келади.

Шу муаммони камайтириш мақсадида 2023 йилда «Тошкент Инвест» компанияси ташкил этилган. Компания инвестор ва тадбиркор учун «ягона дарча» тамойили асосида ишлаши, лойиҳани ғоя ва маслаҳат босқичидан бошлаб амалга оширишгача ҳамроҳлик қилиши кўзда тутилган. Бунинг учун хусусий сектор тажрибасига эга, лойиҳаларнинг иқтисодий моделини таҳлил қила оладиган мутахассислар жалб этилган.

Бундай ёндашув халқаро амалиётда ҳам қўлланади: инвесторнинг бир нечта идора ўртасида сарсон бўлиши ўрнига, у билан битта профессионал ташкилот тизимли ишлайди.

Муҳими, бу механизм фақат йирик хорижий инвесторлар учун эмас. Реновация, автотураргоҳлар ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида иштирок этиш истагидаги маҳаллий тадбиркор учун ҳам мурожаат нуқтасининг аниқ бўлиши муҳим. Шаҳар ресурслари ҳам хусусий ташаббусни қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасига тижорат банклари томонидан 22 триллион сўм кредит ажратилгани, ер участкаларининг очиқ аукционлар орқали таклиф этилаётгани қайд этилмоқда.

ОЧИҚ ТАН ОЛИНГАН МУАММО — АХБОРОТ ЕТИШМАСЛИГИ

Шаҳар ҳокими мавжуд имкониятлар ҳақида барча тадбиркорлар етарлича хабардор эмаслигини ҳам очиқ тан олади. Айрим тадбиркорларда «Тошкент Инвест» фақат йирик инвесторлар билан ишлайди, деган тасаввур мавжуд. Шаҳар раҳбарияти буни коммуникациядаги камчилик сифатида баҳолаб, ахборотни бизнеснинг барча қатламларига етказиш устида иш олиб борилаётганини билдирмоқда. Бу жиҳат алоҳида аҳамиятга эга. Чунки янги иқтисодий механизмларнинг ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд бўлишининг ўзи етарли эмас. Тадбиркор уларни билиши, тушуниши ва амалда фойдалана олиши керак. Акс ҳолда яратилган имконият билан ундан фойдаланиши керак бўлган бизнес ўртасида ахборот бўшлиғи сақланиб қолади.

ТОШКЕНТНИНГ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ МОДЕЛИ

Тошкентда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнингасосиймазмунидавлатнингиқтисодиётдан бутунлай чиқиб кетишида эмас, балки унинг ролини қайта белгилашда намоён бўлмоқда. Яъни давлат бевосита бошқарувчи ва хўжалик юритувчи субъектдан қоидаларни белгилайдиган, рақобатни ҳимоя қиладиган ва жамоат манфаатини таъминлайдиган институтга айланиши кўзда тутилмоқда. Хусусийлаштириш, давлат-хусусий шериклик, инвестиция ва «ягона дарча» механизмлари шу мақсадга хизмат қилади. Аммо уларнинг самараси фақат инвестиция ҳажми ёки хусусий бошқарувга берилган объектлар сони билан ўлчанмайди. Асосий натижа аҳоли учун хизмат сифати, тадбиркор учун аниқ ва тенг шароит, янги иш ўринлари, замонавий технологиялар ва шаҳар иқтисодиётининг барқарор ўсишида кўриниши керак. Шу нуқтаи назардан, Тошкентда шаклланаётган янги иқтисодий моделнинг муҳим синови хусусий ташаббусга қанча йўл очилганидагина эмас, балки бу ташаббус жамоат манфаати билан қай даражада уйғунлаштирилганида ҳам намоён бўлади.

Ғояси бор тадбиркор билан бизнес модели ва техник-иқтисодий асосларни биргаликда ишлаб чиқиш, мақбул механизмни танлаш ва лойиҳани амалга оширишгача ҳамроҳлик қилиш эса ушбу ёндашувнинг амалий ифодаси бўлиши керак.



БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ — ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Ҳар бир бола хавфсиз муҳитда яшаш, соғлом ривожланиш ва ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқни таъминлаш нафақат оила, балки давлат ва бутун жамият зиммасидаги масъулиятли вазифадир. Шу боис Ўзбекистонда болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Президентимизнинг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида: «Жамиятимизда болаларнинг турли зўравонликларга учраётгани буюк тарих, юксак маънавият ва маърифатга эга бўлган, оилани муқаддас деб билган халқимизга асло ярашмайди», дея алоҳида таъкидлангани ҳам бу масаланинг нақадар долзарблигини кўрсатади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг энг устун манфаатларини давлат органлари фаолиятининг асосий мезонига айлантириш борасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган глобал ташаббус — «Богота ҳаракатлар чақируви»га қўшилди ҳамда Болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш бўйича глобал альянс аъзолигига қабул қилинди.

2025 йил 14 майда «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун кучга кирди. Ушбу ҳужжат болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг янги ҳуқуқий ва институционал тизимини шакллантиришга асос бўлди. Шунингдек, Президентнинг 2025 йил 24 декабрдаги фармони билан 2026–2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегияси қабул қилинди.

2026 йил 3 мартда эса «Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

Мазкур ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатининг 20-ялпи мажлисида маъқулланди.

Хўш, ушбу қонунни қабул қилишга қандай зарурат бор эди?

Аввало, болаларга, айниқса, кичик ёшдаги болаларга нисбатан жинсий зўравонлик ҳолатлари жиддий хавотир уйғотмоқда. Болалар омбудсмани ўз ваколатлари доирасида болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жинсий дахлсизлигига қарши содир этилган жиноятлар юзасидан парламент назоратини амалга оширади.

Хусусан, болаларга нисбатан жинсий зўравонлик ҳолатлари бўйича Болалар омбудсмани номига 2025 йилда 51 та, 2026 йилнинг тўққиз ойи давомида эса 57 та мурожаат келиб тушган. Шунингдек, 2026 йилнинг тўққиз ойида ички ишлар органларидан Жиноят кодексининг 118-моддаси 4-қисми бўйича 65 та, 119-моддаси 4-қисми бўйича 73 та хабарнома олинган.

2025 йил ва 2026 йилнинг биринчи ярмида Болалар омбудсмани ўрганишлари натижасида болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари юзасидан 27 та жиноят иши ва 41 та маъмурий иш қўзғатилган. Бундан ташқари, болага нисбатан зўравонликка оид жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги 26 та қарор бекор қилиниб, материаллар қайта терговга юборилган. Бу эса болаларга қарши содир этилган ҳуқуқбузарликларни яшириш ёки уларга етарлича ҳуқуқий баҳо бермаслик ҳолатларига қарши муҳим чора бўлди.

Болалар омбудсмани кузатувлари ва таҳлиллари яна бир жиддий муаммони кўрсатмоқда: айрим ҳолларда болаларга нисбатан жинсий зўравонлик учун тайинланаётган жазо жиноятнинг оғирлиги, айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва етказилган зарарга етарлича мутаносиб эмас. Шунингдек, ўхшаш жиноятлар бўйича жазо тайинлаш амалиётида сезиларли тафовутлар учрамоқда.

Бундай жиноятлар учун адолатли, қатъий ва муқаррар жазо белгиланиши нафақат айбдорнинг қайта жиноят содир этишининг олдини олиш, балки бошқа болаларнинг ҳам зўравонлик қурбонига айланмаслиги учун муҳимдир.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида давлат болани эксплуатация ва зўравонликнинг барча шаклларидан, жумладан, жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиши белгиланган. Миллий амалиёт таҳлили ва хорижий давлатлар тажрибаси ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш заруратини кўрсатмоқда.

Шу нуқтаи назардан, янги қонун болаларга нисбатан зўравонлик учун жавобгарлик чораларини сезиларли даражада қатъийлаштиришни назарда тутади. Жумладан, 14 ёшга тўлмаган болага нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсга 25 йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиши белгиланмоқда. Айрим ўта оғир жиноятлар бўйича жавобгарликка тортиш муддатларига доир истиснолар ҳамда жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишга чекловлар назарда тутилган.

Болалар омбудсманининг бу борадаги позицияси қатъий: болаларга нисбатан оғир жинсий жиноятлар, жумладан, номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш каби қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилиши лозим. Ушбу позиция Болалар омбудсманининг парламентга тақдим этган махсус маърузасида ҳам тегишли таҳлиллар асосида баён қилинган.

Бундай жиноятнинг бола ҳаётига етказадиган зарари ниҳоятда оғир. Бола жисмонан омон қолган тақдирда ҳам, зўравонлик унинг руҳияти, болалиги, одамларга ишончи ва келажагига узоқ муддатли салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун бу турдаги қилмишларнинг ижтимоий хавфлилигини баҳолашда уларнинг узоқ муддатли оқибатларини ҳам инобатга олиш зарур.

Қозоғистон ва Қирғизистон қонунчилигида ҳам болаларга нисбатан айрим оғир жинсий жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Янги қонун болани зўравонликдан ҳимоя қилмаган, парваришлаш мажбуриятларини бажармаган ёки унга зарар етказган шахслар жавобгарлигини кучайтиришга ҳам қаратилган. Болалар билан ишловчи ходим томонидан зўравонлик содир этилган тақдирда, уни ишдан бўшатиш ва келгусида болалар билан ишлашини чеклаш чоралари кўзда тутилмоқда. Вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш ва уларга оғир тан жароҳати етказиш учун ҳам жазо кучайтирилмоқда.

Бироқ қонуннинг мақсади фақат жазони оғирлаштириш эмас. Энг муҳим вазифа — болаларнинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини ишончли ҳимоя қиладиган ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлашдир. Зўравонликдан жабрланган бола жиноят иши юритувининг ҳар бир босқичида қўшимча босим ва руҳий жароҳатдан ҳимоя қилиниши шарт.

Болалар омбудсмани таҳлилларига кўра, жабрланувчи болани қайта-қайта сўроқ қилиш, уни зўравонлик содир этган шахс билан юзма-юз келтириш ёки руҳий жиҳатдан оғир тергов ва суд ҳаракатларига жалб этиш қайта жароҳатланиш хавфини оширади. Шу боис жабрланувчи болаларга ихтисослаштирилган тезкор психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг ягона, мувофиқлаштирилган механизмини шакллантириш муҳим.

Айнан шу мақсадда янги қонунда вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнини видеога қайд этиш, жинсий жиноятлар бўйича юзлаштиришнинг алоҳида тартибини белгилаш, зўравонлик боланинг яқинлари томонидан содир этилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг процессда иштирокини таъминлаш каби нормалар назарда тутилган.

Бу ўзгаришларнинг амалий аҳамияти катта. Чунки айрим ўрганилган ҳолатларда боланинг қонуний вакили бўлган ота-она унинг манфаатларига зид ҳаракат қилгани ҳам аниқланган. Жумладан, жабрланувчи болани кўрсатмасини ўзгартиришга, зўравонлик ҳолатини инкор этишга мажбурлаш ёки унга руҳий босим ўтказишга уринишлар қайд этилган. Бундай вазиятларда васийлик ва ҳомийлик органларининг фаол иштироки боланинг энг устун манфаатларини таъминлашда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун жамиятга аниқ ва қатъий хабар беради: ҳар бир бола давлат ва қонун ҳимоясидадир, унга нисбатан зўравонлик эса жазосиз қолмаслиги керак. Бу борада давлат идоралари, оила, таълим муассасалари ва жамоатчиликнинг ҳамжиҳат ҳаракати ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Зеро, болани ҳимоя қилиш — фақат жиноят содир этилганидан кейин чора кўриш эмас, балки унинг олдини олиш, жабрланган болага ўз вақтида ёрдам бериш ва ҳар бир фарзанд учун хавфсиз келажак яратиш демакдир. Зўравонликка нисбатан мутлақ муросасизлик тамойили ана шу эзгу мақсад йўлида барчамизни бирлаштириши лозим.

Сурайё РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Бола ҳуқуқлари бўйича вакили
(Болалар омбудсмани)



АҲОЛИ МУРОЖААТИ — АМАЛИЙ НАТИЖАГА АЙЛАНИШИ КЕРАК!



Бугун депутат фаолиятига баҳо берилганда, ўтказилган учрашувлар ёки юборилган сўровлар сонидан кўра, аҳоли ҳаётида сезилаётган амалий ўзгаришлар муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Таъмирланган йўл, янгиланган лифт, барқарор электр таъминоти, хавфсиз пиёдалар йўлаги, мактаб ёки боғчага яратилган шароит — буларнинг ҳар бири одамларнинг кундалик турмуш сифатига дахлдор. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Сухроб Саифназаров билан суҳбатимиз ҳам депутатлик масъулияти, сайловчилар билан очиқ мулоқот, ҳудудлардаги муаммолар ва уларни аниқ натижага айлантириш масалалари ҳақида бўлди.

— Депутатлик фаолиятингизда шаҳарнинг қайси ҳудудларини қамраб оласиз? Асосий иш йўналишларингиз нималардан иборат?

— Сайлов округим Янгиҳаёт туманидаги “Зарбдор”, “Ал-Фарғоний”, “Чорбоғ”, “Йўлдош”, “Виқор”, “Чароғон”, “Дўстлик”, “Чортоқ”, “Тошкент”, “Файзли”, “Бинокор”, “Хўжа Учқун”, “Жалоир” ва “Янги Гулзор” маҳаллаларини қамраб олади. Депутатлик фаолиятимда асосий эътиборни сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг мурожаатларини жойига чиқиб ўрганиш, ҳудудлардаги инфратузилма ва ижтимоий масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш, шунингдек, тегишли ташкилотлар фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга оширишга қаратаман.

— Сайлов округингиз аҳолиси билан учрашувларда энг кўп қайси муаммолар кўтарилади? Уларнинг қайсилари бугунга қадар ўз ечимини топди?

— Аҳоли билан учрашувларда, асосан, ички йўлларни таъмирлаш, кўчаларни ёритиш, электр ва газ таъминоти, жамоат транспорти бекатлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги, болалар ва спорт майдончалари, кўп қаватли уйлар, чиқиндиларни олиб чиқиш ҳамда ободонлаштириш билан боғлиқ масалалар кўтарилади. Уларнинг бир қисми бўйича амалий натижаларга эришилди. Масалан, 2026 йилнинг иккинчи чорагида “Тошкент” маҳалласининг Боғ, Кўкча, Марказий ва Байналмилал кўчаларида 11,5 минг квадрат метр, “Файзли” маҳалласида 7,3 минг, “Янги Гулзор”да 4 минг, “Бинокор”да 3 минг квадрат метр йўл қопламаси таъмирланди. Шунингдек, “Ал-Фарғоний”, “Дўстлик” ва “Чароғон” маҳаллаларидаги қатор тўққиз қаватли уйларнинг лифтлари янгиланди. Округ ҳудудида 25 та трансформатор пункти капитал таъмирланди. “Хўжа Учқун” маҳалласида эса 6 минг квадрат метр асфальт ётқизилиб, 1,5 минг квадрат метр пиёдалар йўлаги барпо этилди, футбол, воркаут ва болалар майдончалари ташкил қилинди. Бу ишлар аҳоли мурожаатларининг амалий натижага айланаётганига мисол бўла олади.

— Депутатлик фаолиятингиз давомида аҳоли мурожаати асосида ҳал этилган, сиз учун алоҳида аҳамиятга эга масалани мисол қилиб келтира оласизми?

— Мен учун ҳар бир мурожаат муҳим. Бироқ аҳолининг кундалик ҳаётига бевосита таъсир қиладиган инфратузилмавий масалаларни алоҳида қайд этган бўлардим. Масалан, “Ал-Фарғоний” маҳалласида 1966 йилда қурилган 94 та икки қаватли ёғоч уйда яшовчи аҳоли электр таъминотидаги узилишлар юзасидан мурожаат қилган эди. Ушбу ҳудудда кўплаб маиший эҳтиёжлар электр энергиясига боғлиқ бўлгани сабабли, масала аҳоли учун жуда долзарб эди. Мурожаатлар асосида тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари киритилди, масала мутасаддилар билан биргаликда кўриб чиқилди. Кейинчалик “Спутник” нимстанциясида модернизация ишлари якунланиб, ҳудуднинг электр таъминотини яхшилаш бўйича амалий ишлар бажарилди. Менимча, депутатлик фаолиятининг натижаси айнан шунда кўринади: фуқаронинг мурожаати эшитилиши, масъул идорагача етиб бориши ва ижроси назорат қилиниши керак.

— Кейинги йилларда шаҳарда янги уй-жойлар ва ижтимоий объектлар кўпаймоқда. Янги ҳудудларни мактаб, боғча, поликлиника ва транспорт инфратузилмаси билан таъминлаш масаласи қай даражада назоратда?

— Янги ҳудуд қуриш фақат уй-жой барпо этиш дегани эмас. У ерда яшайдиган одамлар учун мактаб, боғча, тиббиёт муассасаси, йўл, жамоат транспорти ва бошқа хизматлар ҳам уй-жойлар билан мутаносиб равишда ривожланиши керак. Шу нуқтаи назардан ижтимоий объектларнинг ҳолатини мунтазам ўрганиб борамиз. Масалан, “Янги Гулзор” маҳалласидаги 720 ўринли 335-сонли умумтаълим мактабининг реконструкциядан кейинги ҳолати, 2026–2027 ўқув йили ҳамда куз-қиш мавсумига тайёргарлиги жойига чиқиб ўрганилди. Шунингдек, 459-сонли мактабгача таълим ташкилотида иситиш тизими, иссиқ сув таъминоти, қувурлар ва қозонхона ҳолати кўздан кечирилди. “Чортоқ” маҳалласида эса аҳоли томонидан мактабгача таълим ташкилотига эҳтиёж мавжудлиги кўтарилган. Бундай масалаларни ҳудудни ривожлантириш дастурларига киритиш бўйича мутасаддилар билан иш олиб боряпмиз.

Саифназаров Сухроб Исмаилович 1979 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Тошкент давлат иқтисодиёт институтини тамомлаган. 2001 йилда “ЎЗТАШКИНЕФТЕГАЗ” очиқ акциядорлик жамиятида мутахассис сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган. 2001–2019 йилларда “AFSAR COMPANY LTD” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари бўлиб ишлаган. 2020 йилдан буён “Palladium Technology” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, 2022 йил январь ойидан пойтахтимиздаги 43-“Дўстлик” сайлов округидан сайланган Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати сифатида иш олиб бормоқда.

— Аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича депутат сифатида қандай ташаббусларни илгари суряпсиз?

— Бандлик масаласида энг муҳим ёндашув — ҳар бир маҳалланинг имконияти ва аҳоли эҳтиёжини алоҳида ўрганиш. Аҳоли билан учрашувларда ёшлар бандлиги, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишлаш масалаларини маҳалла еттилиги, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари билан биргаликда муҳокама қилиб келяпмиз. Менимча, фақат бўш иш ўрни таклиф қилиш билан чекланиб қолмасдан, касбга ўқитиш, тадбиркорликка йўналтириш ва маҳалланинг ўзида янги даромад манбаларини яратишга кўмаклашиш керак. Шу сабабли ҳар бир ҳудудда бандлик масаласини инфратузилма ва тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш тарафдориман.

— Шаҳар Кенгаши қарорларини қабул қилиш жараёнида аҳоли фикри қай даражада инобатга олинади? Фуқаролар ўз таклиф ва муаммолари билан депутат фаолиятига қандай таъсир кўрсата олади?

— Депутат учун қарор қабул қилишда аҳоли фикри энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Чунки ҳудуддаги ҳақиқий вазиятни энг яхши ўша ерда яшаётган одам билади. Биз сайёр қабуллар, маҳаллалардаги учрашувлар, депутат ахборотлари ва бевосита мурожаатлар орқали аҳоли фикрини ўрганамиз. Масалан, 2025 йилнинг биринчи чорагида 11 та сайёр учрашувда 46 та масала кўриб чиқилган бўлса, иккинчи чоракда 8 та сайёр қабул ва учрашувда 34 та мурожаат ўрганилди. Бу тизимли мулоқот кейинги даврда ҳам давом эттирилди. Мурожаатлар асосида депутатлик сўровлари шаклланади, тегишли идоралар билан масалалар муҳокама қилинади ва зарур ҳолларда Кенгаш ҳамда комиссиялар муҳокамасига олиб чиқилади. Шу маънода, фуқаронинг таклифи депутат орқали муайян амалий ташаббусга айланиши мумкин.

— Бугун коммунал хизматлар сифати, чиқиндиларни олиб чиқиш, ҳудудларни тозалаш ва ободонлаштириш борасида аҳолининг эътирозлари ҳам учраб туради. Бу масалаларни ҳал этишда депутатнинг ваколати ва масъулияти нимадан иборат?

— Депутат коммунал хизматни бевосита кўрсатмайди. Лекин унинг муҳим вазифаси — аҳоли мурожаатини тегишли ташкилот олдига аниқ қўйиш, муаммони жойига чиқиб ўрганиш ва ижросини назорат қилиш.

Масалан, “Дўстлик” маҳалласида БСК, “Махсустранс”, кўп қаватли уйларнинг том қисми, лифтлар ва яшил ҳудудларни суғориш билан боғлиқ масалалар кўтарилган. 2026 йилнинг иккинчи чорагида туман миқёсида 30 километр ирригация тармоқлари тозаланди, 985 минг квадрат метр ҳудудда тозалаш ишлари бажарилиб, 2 минг тонна чиқинди олиб чиқилди. Лекин рақамнинг ўзи етарли эмас. Аҳоли ўз маҳалласида натижани ҳис қилиши керак. Шунинг учун жойлардаги ҳолатни аҳоли фикри орқали қайта баҳолаш ҳам депутатлик назоратининг муҳим қисмидир.

— Сайловчилар депутатдан, аввало, ваъда эмас, натижа кутмоқда. Фаолиятингизни баҳолашда қайси аниқ кўрсаткичларни асосий мезон деб биласиз?

— Мен учун асосий мезон — нечта учрашув ўтказилгани ёки нечта хат юборилгани эмас, балки аҳоли кўтарган масалаларнинг қанчаси амалий натижага айланганидир. Албатта, рақамлар ҳам фаолиятни баҳолаш имконини беради. Масалан, 2025 йилнинг биринчи чорагида 46 та, иккинчи чорагида 34 та мурожаат кўриб чиқилди. 2025 йилнинг учинчи чорагида эса аниқланган муаммолар юзасидан 11 та депутатлик сўрови тегишли ташкилотларга юборилди. Лекин энг муҳим кўрсаткич — таъмирланган йўл, янгиланган лифт, барқарор электр таъминоти, хавфсиз пиёдалар йўлаги ёки аҳоли учун яратилган янги имкониятдир. Яъни депутат фаолиятини қоғоздаги ҳисобот эмас, ҳудуддаги ўзгариш кўрсатиши керак.

— Шаҳарни янада қулай, яшаш учун муносиб ва замонавий мегаполисга айлантириш бўйича Кенгаш олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат?

— Биринчи навбатда, шаҳар ривожида инсон манфаати асосий мезон бўлиши керак. Замонавий мегаполис деганда фақат баланд бинолар ёки янги йўлларни тушунмаслигимиз лозим. Одам уйидан чиққанида хавфсиз пиёдалар йўлагига, қулай жамоат транспортига, ёритилган кўчага, яшил ҳудудга, фарзанди учун мактаб ва боғчага эга бўлиши керак. Шу боис Кенгаш олдида транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш, экологик барқарорликни таъминлаш, ижтимоий объектларни аҳоли эҳтиёжига мос жойлаштириш, коммунал хизматлар сифатини ошириш ҳамда қарорлар ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини таъминлаш каби муҳим вазифалар турибди.

— — Депутат ва аҳоли ўртасида очиқ мулоқотни кучайтириш учун қандай янги усулларни жорий этиш зарур, деб ўйлайсиз?

— Энг самарали усул — депутатнинг одамлар олдига ўзи бориши. Шунинг учун сайёр қабуллар ва маҳаллабай учрашувларни давом эттириш зарур. Шу билан бирга, замонавий рақамли имкониятлардан ҳам кенгроқ фойдаланиш керак. Фуқаро ўз мурожаатини юборгандан кейин унинг қайси босқичда эканини билиб туриши, депутат эса мурожаатларни мавзу ва ҳудудлар кесимида таҳлил қилиб бориши мақсадга мувофиқ. Биз ҳар чоракда сайловчилар олдида амалга оширилган ишлар бўйича ахборот бериб келяпмиз. Менимча, депутатнинг ҳисобдорлиги фақат “нима қилдик?” деган ахборот билан чекланмаслиги, балки “қайси масала ҳал бўлмади ва нима учун?” деган саволга ҳам очиқ жавоб беришни назарда тутиши керак.

Зафар НАЗАРОВ суҳбатлашди

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ОҚИМИНИНГ КЎПАЙИШИ



СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАР ВА МАВЖУД МУАММОЛАР

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида аҳоли сонининг ўсиши, иқтисодий фаолликнинг кенгайиши, янги турар-жой массивлари ҳамда шаҳар атрофи ҳудудларининг жадал ривожланиши транспортга бўлган талабни сезиларли оширмоқда. Айниқса, эрталабки ва кечки тиғиз вақтларда пойтахт кўчаларида транспорт воситалари оқимининг кескин кўпайиши кузатилмоқда. Бу ҳолат нафақат автомобиль йўлларининг ўтказувчанлигига, балки жамоат транспорти ҳаракатига, аҳолининг йўлда сарфлайдиган вақтига, экологик вазиятга ва шаҳар инфратузилмасига ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Транспорт оқимининг ўсишини баҳолашда фақат тирбандлик ҳолатларига эмас, балки шаҳарда рўйхатдан ўтган автотранспорт воситалари сони, бир сутка давомида йўлларда ҳаракатланаётган транспорт воситалари миқдори, тиғиз вақтлардаги оқим ва жамоат транспортидан фойдаланиш кўрсаткичларига ҳам эътибор қаратиш зарур.

2026 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳар Йўл ҳаракатини ташкил этиш маркази эълон қилган маълумотлар пойтахтда транспорт ҳаракати юқори даражага етганини кўрсатади. Жумладан, 2026 йил 15 сентябрь куни Тошкент йўлларида бир сутка давомида 1 478 562 та транспорт воситаси ҳаракатланган. Шу куни эрталаб соат 07:00–08:00 оралиғида 307 944 та, кечки соат 17:00–18:00 оралиғида эса 326 914 та транспорт воситаси ҳаракатланган.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ СОНИНИНГ ЎСИШИ

Тошкентда транспорт оқими кўпайишининг асосий омилларидан бири — шахсий автотранспорт воситалари сонининг ортиб боришидир. Ўзбекистон Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Тошкент шаҳрида жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситалари сони 2020 йилда 479 544 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилда 525 028 тага, 2022 йилда 587 161 тага, 2023 йилда 624 022 тага етган. 2024 йилда ушбу кўрсаткич 606 531 тани ташкил этган, 2025 йилда эса 627 149 тага етган.

Шундай қилиб, 2024 йилдан 2025 йилгача Тошкент шаҳрида жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситалари сони 20 618 тага, яъни тахминан 3,4 фоизга ошган. 2000 йилдаги 220 550 та кўрсаткич билан солиштирганда, 2025 йилдаги 627 149 та автотранспорт воситаси сони қарийб 2,8 баравар кўп.

Бу рақамлар транспорт воситалари сони узоқ муддатли даврда сезиларли кўпайганини кўрсатади. Бироқ рўйхатдан ўтган автотранспорт воситалари сони билан йўллардаги бир суткалик транспорт оқими бир хил кўрсаткич эмас. Бир транспорт воситаси кун давомида бир неча марта ҳаракатланиши мумкин. Шу сабабли 2026 йил сентябрь ойида қайд этилган 1,4–1,5 миллионлик суткалик оқимни рўйхатдан ўтган автотранспорт воситалари сонига тўғридан-тўғри тенглаштириш тўғри эмас.

2026 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ ОЙИДАГИ ТРАНСПОРТ ОҚИМИ

2026 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида транспорт ҳаракати юқори бўлган кунлар кузатилди. 7 сентябрь куни, олий таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланганидан сўнг, пойтахт йўлларида сутка давомида 1 501 013 та транспорт воситаси ҳаракатланган. Бу 6 сентябрда қайд этилган 1 348 994 та кўрсаткичга нисбатан 152 019 тага ёки тахминан 11,3 фоизга кўп.

10 сентябрь куни пойтахт йўлларида сутка давомида 1 514 915 та транспорт воситаси ҳаракатланган. Шу куни эрталаб соат 07:00–08:00 оралиғида 254 906 та, кечки соат 18:00–19:00 оралиғида эса 314 669 та транспорт воситаси ҳаракатланган.

15 сентябрь куни қайд этилган 1 478 562 та транспорт воситаси ҳам пойтахт автомобиль йўлларига тушаётган юклама юқори эканини кўрсатади. Айниқса, кечки тиғиз вақтда — соат 17:00–18:00 оралиғида — 326 914 та транспорт воситаси ҳаракатланган. Бу эрталабки 07:00–08:00 оралиғидаги 307 944 та кўрсаткичдан 18 970 тага кўп.

7 сентябрь ва 15 сентябрь кунлари маълумотларини таққослаш транспорт оқими кундан кунга сезиларли фарқ қилиши мумкинлигини кўрсатади. Шунинг учун шаҳар транспорт тизимини баҳолашда бир кунлик рақамлар билан чекланиб қолмасдан, узоқ муддатли мониторинг натижаларидан ҳам фойдаланиш муҳим.

ТРАНСПОРТ ОҚИМИ ВА ТИРБАНДЛИК

Автомобиллар сонининг кўпайиши ҳар бир кўчада доимий тирбандлик юзага келади, дегани эмас. Транспорт оқимининг ҳаракат тезлигига чорраҳаларнинг ўтказувчанлиги, светофорларнинг ишлаш режими, йўл-таъмирлаш ишлари, ноқонуний тўхтаб туриш ҳолатлари, йўлларнинг геометрик хусусиятлари ва жамоат транспорти ҳаракати каби қатор омиллар таъсир қилади.

2026 йил 15 сентябрь куни Тошкент шаҳрида эрталаб соат 08:00–09:00 оралиғида 9 та чорраҳада тирбандлик даражаси 7 баллга етган. Кечки соат 18:00–19:00 оралиғида эса бундай ҳолат 10 та чорраҳада қайд этилган.

7 сентябрь куни тиғиз вақтларда 6 та чорраҳада тирбандлик даражаси 7 баллга етган, яна бир чорраҳада эса 7 баллдан ошган.

Бу ҳолат айрим вақтларда ва муайян йўл тугунларида транспорт оқими мавжуд йўл инфратузилмасининг ўтказувчанлик имкониятига яқинлашиши ёки ундан ошиб кетиши мумкинлигини кўрсатади.

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Шаҳарда транспорт воситалари оқимини камайтиришнинг муҳим йўналишларидан бири — аҳолининг шахсий автомобилдан кўра жамоат транспортидан фойдаланишини рағбатлантиришдир. Тошкентда автобус ва метро хизматларидан фойдаланувчилар сони ҳам юқори.

15 сентябрь куни 1 675 та автобус 170 та йўналиш бўйича 22 174 та қатновни амалга ошириб, 1 525 311 нафар йўловчига хизмат кўрсатган. Шу куни Тошкент метрополитени орқали 1 160 612 нафар йўловчи ташилган.

7 сентябрь куни эса 1 668 та автобус 170 та йўналишда 22 032 та қатновни амалга оширган ва 1 456 926 нафар йўловчига хизмат кўрсатган. Метрополитен хизматидан шу куни 1 049 288 нафар йўловчи фойдаланган.

Миллий статистика қўмитасининг йиллик маълумотларида ҳам Тошкент шаҳрида автомобиль транспорти орқали ташилган йўловчилар сони ўсгани қайд этилган. 2023 йилда ушбу кўрсаткич 1 306,0 млн кишини, 2024 йилда 1 368,7 млн кишини, 2025 йилда эса 1 651,1 млн кишини ташкил этган. Демак, 2024 йилга нисбатан 2025 йилда автомобиль транспортида ташилган йўловчилар сони қарийб 20,6 фоизга ошган.

Бу кўрсаткичлар шаҳарда транспортга бўлган талаб юқори эканини кўрсатади. Айни пайтда жамоат транспортида йўловчилар оқимининг ортиши шахсий автомобиллардан фойдаланиш улушини қисқартириш учун муҳим имконият яратади.

ТРАНСПОРТ ОҚИМИ КЎПАЙИШИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Тошкент шаҳрида транспорт оқимининг кўпайишига бир нечта омил таъсир қилмоқда.

Биринчидан, пойтахт аҳолиси сони ўсиб бормоқда. Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маълумотига кўра, 2026 йил 1 июль ҳолатига шаҳарнинг доимий аҳолиси 3 212 192 нафарни ташкил этган.

Иккинчидан, Тошкент мамлакатнинг асосий иқтисодий фаоллик марказларидан бири ҳисобланади. Иш жойлари, таълим муассасалари, хизмат кўрсатиш объектлари ва савдо марказларининг катта қисми пойтахтда жойлашгани кундалик транспорт ҳаракатига катта таъсир кўрсатади.

Учинчидан, шаҳарга яқин ҳудудлардан Тошкентга кириб-чиқадиган транспорт оқими ҳам салмоқли. Бундай ҳаракат эрталаб шаҳар маркази томон, кечқурун эса шаҳардан ташқари йўналишларда транспорт юкламасининг ортишига олиб келади.

Тўртинчидан, шахсий автомобиллардан фойдаланиш имкониятининг кенгайиши ҳам транспорт оқимига таъсир қилмоқда. Миллий статистика қўмитаси маълумотларида Тошкент шаҳрида жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситалари сони узоқ муддатда сезиларли ошгани кўринади.

МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР

Транспорт оқимининг кўпайиши шароитида муаммони шаҳар йўлларини фақат кенгайтириш орқали ҳал этиш қийин. Чунки янги йўллар ёки қўшимча ҳаракат тасмалари вақт ўтиши билан қўшимча транспорт оқимини ҳам жалб қилиши мумкин. Шу боис транспорт тизимини комплекс ёндашув асосида бошқариш талаб этилади.

2025 йил декабрь ойида қабул қилинган Президент қарорида Тошкент шаҳри транспорт тизимини 2030 йилгача ривожлантириш бўйича қатор мақсадли кўрсаткичлар белгиланган. Жумладан, аҳолининг жамоат транспортидан фойдаланиш даражасини 60 фоизга етказиш, автобусларнинг ўртача ҳаракат тезлигини соатига 18 километрдан 24 километрга ошириш, транспорт воситалари учун 150 минг ўринли тўхтаб туриш жойларини ташкил этиш ва метро тармоғи узунлигини 103 километрга етказиш вазифалари назарда тутилган.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида Йўл ҳаракатини ташкил этиш маркази томонидан транспорт, йўловчи ва пиёдалар оқимини рақамли технологиялар асосида мониторинг қилиш белгиланган. Бугунги кунда шаҳарда транспорт оқими реал вақт режимида кузатиб борилмоқда. Тирбандлик юзага келган нуқталарда светофорларнинг ишлаш режими ўзгартирилиши, зарур ҳолларда эса йўл ҳаракатини тартибга солувчи ходимлар жалб этилиши амалиёти қўлланилмоқда.


Хулоса

Тошкент шаҳрида транспорт воситалари оқимининг кўпайиши статистик рақамларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. 2026 йил сентябрь ойининг айрим кунларида пойтахт йўлларида 1,5 миллиондан ортиқ транспорт воситаси ҳаракатланган: 7 сентябрь куни 1 501 013 та, 10 сентябрь куни 1 514 915 та, 15 сентябрь куни эса 1 478 562 та транспорт воситаси қайд этилган.

Шу билан бирга, шаҳарда жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситалари сони ҳам узоқ муддатли ўсиш тенденциясини намоён этмоқда: 2000 йилдаги 220 550 тадан 2025 йилда 627 149 тага етган.

Транспорт оқимининг кўпайиши Тошкентнинг иқтисодий ва демографик ўсиши билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун муаммони фақат автомобиль йўлларини кенгайтириш орқали эмас, балки жамоат транспортини ривожлантириш, метро ва автобус хизматларининг жозибадорлигини ошириш, тўхтаб туриш жойлари тизимини тартибга солиш, пиёда ва велосипед инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, транспорт оқимини рақамли бошқариш орқали комплекс ҳал этиш муҳим.

Умуман, 2026 йил сентябрь ойидаги статистик маълумотлар Тошкент шаҳрида транспорт ҳаракати юқори даражада эканини кўрсатмоқда. Келгусида ушбу оқимни самарали бошқариш пойтахтнинг иқтисодий фаоллиги, аҳоли ҳаракатчанлиги ва яшаш муҳити сифатига бевосита таъсир кўрсатади.



Усмон Азим:
“... ДИДНИНГ БУЗИЛИШИНИ ҲАМ «ЭРКИНЛИК» ДЕБ ҚАБУЛ ҚИЛА БОШЛАДИК”

Миллатнинг уйғониши, аввало, унинг тафаккури, диди ва ўзлигини англашида намоён бўлади. Бу жараёнда адабиётнинг ўрни қандай? Истеъдодни ўз вақтида қадрлаш, санъат ва маърифатни қўллаб-қувватлаш нега муҳим?

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим билан суҳбатимизда ана шу саволларга жавоб изладик. Адабиёт ва китобхонликдан бошланган мулоқот жамиятдаги дид масаласи, зиёлиларнинг масъулияти ва юртимиздаги бунёдкорлик ишларига уланди. Шоирнинг мулоҳазаларида талабчанлик ҳам, Ватанга муҳаббат ва келажакка қатъий ишонч ҳам мужассам.

— Адабиёт ва шеърият жамиятни, миллатнинг руҳияти ва маънавиятини ўзгартира оладими?

— Албатта, таъсир қилади. Лекин бу таъсирни жамиятнинг умумий ривожланиш даражасидан ажратиб бўлмайди. Адабиётга муносабат ҳамма даврда ҳам бир хил бўлмаган. Биз Ҳусайн Бойқаро давридаги адабий муҳит ҳақида кўп гапирамиз. Аммо ўйлаб кўрайлик: ўша пайтда китоблар неча нусхада бўлган, қанча одамнинг қўлига етиб борган? Бугун китобни минглаб нусхада нашр этиш имконияти бор. Жамиятга адабиётдан ташқари таъсир кўрсатадиган омиллар ҳам кўп. Улардан бири — ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт. Китоб сотиб олиш учун ҳам маблағ керак. Бир пайтлар кутубхоналар жуда кўп эди. Тошкентда нашр этилган китоб бутун республика бўйлаб тарқатилар, турли ҳудудлардаги китобхонларга етиб борарди.

Биринчи китобим ўн минг нусхада чиққан. Болаларга бағишланган китобларимдан бири эса юз минг нусхада нашр этилган. Адашмасам, мустақилликдан сўнг, 1993–1994 йилларда чоп этилган бир жилдлик биринчи сайланмамнинг адади йигирма беш минг нусха эди. Шу билан бирга, жиддий адабиётнинг ўзига хос хусусияти бор: уни англаш ва ҳис қилиш муайян тайёргарликни, дидни талаб этади. Аммо бу фақат маълумот ёки диплом билан боғлиқ эмас.


Ёшлигимда мактабда кам ўқиган, ҳатто ўрта маълумоти бўлмаган одамлар орасида ҳам адабиётни жуда яхши тушунадиганлар кўп эди. Достонлардан парчаларни ёддан айтишарди. Бир бахшининг атрофига қанча одам йиғилиб, уни тинглаб ўтирарди! Эҳтимол, бунда телевизор ва бошқа кўнгилочар воситаларнинг камлиги ҳам роль ўйнагандир.

Китоб ҳақида гапирганда, дид масаласига ҳам тўхталишимиз керак. Чунки юксак адабиёт билан бир қаторда олди-қочди гапларга қурилган асарлар ҳам пайдо бўлди. Бизнинг авлод учун «Ўткан кунлар» адабиётнинг энг юксак намуналаридан бири эди. Уни ўқимаган одам жуда кам бўлса керак. Бу асарни ўқиб улғайган кишиларнинг адабий диди, маънавий савияси ҳам ўзгача эди. Қизларимни турмушга узатаётганимизда, рафиқам уларнинг ҳар бирига «Ўткан кунлар»ни совға қилган. Ҳозир уларнинг ўз оиласи, бола-чақаси бор. Аммо ўша китобни совға қилишнинг ўзи бир маънони англатарди.

Бугун шундай анъаналар давом этяптими? Бунга қанчалик эътибор беряпмиз? Назаримда, диднинг бузилишини ҳам «эркинлик» деб қабул қила бошладик. Интернет пайдо бўлгач, бу эркинликнинг чегараси янада кенгайди, саёз ва чала ишлар кўпайди. Буни қўшиқчиликда ҳам сезиш мумкин. Ёшлигимизда тўйларда ижро этиладиган, одамлар рақсга тушадиган қўшиқлар билан ҳозиргилари ўртасида катта фарқ бор. Ўша даврнинг шўх қўшиқлари бугун мумтоз асарлардек қабул қилинади, ҳатто айримларга секин туюлади. Халқнинг турмуши яхшиланиб, тўйларга қўшиқчи таклиф қилиш имконияти кенгайди. Аммо айрим ижрочилар учун асосий мезон одамларни рақсга тушириш, улардан пул олиш бўлиб қолди. Мен бундай ижрочиларнинг кўпини «яллачилар» деб атайман. Илгари қўшиқ тинглаганда унинг сўзидан таъсирланиш, бир мисрани такрорлаб, завқланиш бор эди. Ҳозир эса шовқиндан сўзни тушуниб бўлмайди. Тўйга келган одам икки-уч таниши билан бош иргаб кўришади, холос. Суҳбатлашишга имкон йўқ. Авваллари тўйлар дилдан гурунг қиладиган, одамлар бир-бирини яқиндан танийдиган жой ҳам эди. Ҳатто илгари таниш бўлмаган кишилар суҳбатлашиб, дўстлашиб кетишарди. Бугун кўп қўшиқларнинг матни ҳам талабга жавоб бермайди. Ҳамма мақтаётган, кенг оммалашган айрим ижрочиларнинг қўшиқларида ҳам сўз ва маъно билан боғлиқ жиддий муаммолар бор. Ҳатто шеърда қофия нима эканини билмайдиган таниқли қўшиқчилар учрайди. Айрим ҳолларда ижрочининг қўшиғига эмас, ташқи кўринишига қараб баҳо бериляпти. Чиройли юз, оммабоп қиёфа асосий мезонга айланиб қолмоқда. Менимча, бундай ёндашув халқнинг дидига салбий таъсир кўрсатади. Натижада юракка етиб борадиган, кўнгилни ларзага соладиган асарлар камайиб кетяпти.

- Усмон ака, бугун «миллат уйғоняпти» деган фикрни кўп эшитяпмиз. Ёшларимизнинг спорт, илм-фан ва халқаро майдондаги ютуқлари Ўзбекистонга бўлган қарашларни ўзгартирмоқда. Бу уйғонишни юксак миллий тафаккур ва маънавий юксалишга айлантиришда зиёлиларнинг вазифаси нимадан иборат?

- Мен бу саволга аниқ жавоб беролмаслигим мумкин. Лекин бир нарсани яхши биламан: истеъдодларнинг қадрига



етишимиз керак. Чинакам истеъдодлар минглаб эмас, битта-битта пайдо бўлади. Тасаввур қилинг, битта Навоий етишиб чиқиши учун минглаб одамлар ижод қилиши керак. Бежиз «Навоий замонида ғишт терувчи ҳам шеър ёзган», дейишмайди. Ижодий муҳитни пирамидага қиёсласак, унинг чўққисида Навоийдек буюк шахс туради. Ана шундай инсонларни ўз вақтида қадрлашимиз зарур. Улар оламдан ўтгач, «Шароит яратиб берганимизда, яна қанча ишларни амалга оширарди», деб афсусланмаслигимиз керак. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида бу жуда муҳим.

Бизнинг санъат ва китоб бозоримиз йирик мамлакатларникига нисбатан тор. Шунинг учун санъат ва адабиётни фақат бозор ихтиёрига ташлаб қўйиб бўлмайди. Миллатнинг фахри бўлган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб шароит яратиш керак. Президентимиз бу борада амалий намуна кўрсатяпти. Фаррух Зокировнинг 80 йиллик юбилейига шахсан ташриф буюрганлари — шундай эътиборнинг бир ифодаси.

Эшитишимча, ўша ерда инсонларга фақат вафотидан кейин ҳурмат кўрсатиш, номларини мактаб ёки бошқа муассасаларга бериш билан чекланмай, уларни тириклигида қадрлаш кераклигини ҳам таъкидлаганлар. «Ялла»нинг шуҳрати ҳақиқатан ҳам беқиёс бўлган — буни тан олиш керак. Жамоа узоқ йиллар давомида ўз мавқеини сақлаб келди. Ана шундай ижодкорларнинг меҳнати ва миллат маданиятига қўшган ҳиссасини тириклигида эътироф этишимиз керак.

- Энг муҳими, чинакам истеъдод эгаси ўзининг кимлигини, ижодининг қадрини билади. Биров уни эътироф этса ҳам, этмаса ҳам, ўз салоҳиятини ҳис қилади.

- Биз бирдам бўлсак, ғайрат, шижоат ва ақл билан иш тутсак, зиёлилар ҳам ўз вазифасини юксак масъулият ва фаоллик билан бажарса, кўп нарсага эришамиз. Истеъдодларни кўра билиш, аниқлаш ва ўз вақтида қўллаб-қувватлаш жуда муҳим. Истеъдодли инсоннинг умри фақат тирикчилик учун кураш билан ўтиб кетмаслиги керак. Бу ёндошув барча соҳаларга тааллуқли. Масалан, бугун ғалладан гектарига 80–90 центнер ҳосил олаётган деҳқонлар бор. Уларнинг тажрибаси ўрганиляпти. Бунда юқоридан келаётган ташаббус ва рағбатнинг ҳам ўрни катта. Бундай даврлар аввал бўлмаган. Аксинча, одамларнинг фаолияти ва ташаббусини чеклашга уринишлар бўлган.

Ўттиз ёшларимда совхоз директорларининг бир суҳбатини эшитганман. Улар: «Ундай ҳам қилдик, бундай ҳам қилдик, лекин ғалладан гектарига 40 центнер ҳосил олиб бўлмас экан», дейишганди. Бугун эса қандай натижаларга эришиляпти! Демак, ижобий ўзгаришларни ўз вақтида кўриш, англаш ва уларга муносиб ҳисса қўшиш керак. Бу фақат айрим одамларнинг эмас, бутун жамиятнинг интилишига айланиши зарур. Ташаббус ва ислоҳотларни чин дилдан тушуниб, уларга муносиб иш қилишимиз лозим.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори Абдулла Хурсановни ёшлигидан биламан. У бу ишни катта масъулият ва жонбозлик билан уддалади. Президентимиз учинчи мис бойитиш фабрикаси ҳақида гапириб, дунёда бундай иншоотларни қуриш ўн йилга чўзилиши мумкинлигини, бизда эса тўрт йилда бунёд этилганини таъкидладилар. Эшитишимча, дастлаб бу муддатда қуриб битказиш имкониятига раҳбарнинг ўзида ҳам ишончсизлик бўлган. Аммо иш жараёнида шундай ғайрат ва фидойилик кўрсатилганки, натижада белгиланган муддатга эришилган. Бу ютуқни ўша ердаги америкалик ҳамкор ҳам эътироф этди.

Биз фахрланадиган воқеалар фақат тарихда эмас, бугун ҳам юз беряпти. Балки улар кўз ўнгимизда, кечагина содир бўлаётгани учун аҳамиятини ҳали тўла ҳис қилмаётгандирмиз.

Бир мақоламда мени ҳайратга солган учта мисолни келтирганман: Ислом цивилизацияси маркази, қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачиликдаги ўзгаришлар ва Олмалиқдаги улкан қурилиш. Аслида, ҳайратланишга арзийдиган ишлар кўп. Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуасини олайлик. Унинг кўлами ва гўзаллиги — тарихий воқеа. Дунёга фахр билан кўрсатса арзийдиган иншоот бунёд этилди. Ёки Фарғонада ҳунармандлар учун қурилган катта мажмуа ҳам бориб кўришга арзийдиган жой.

Йўллардаги ўзгаришларни ҳам ўз кўзим билан кўрдим. 26 апрель куни Дарбанд — Денов йўлидан ўтгандим. Бу йўл кейин Душанбе томонга давом этади. Ҳар икки йўналишда иккитадан ҳаракат қатори бўлган кенг бетон йўл қуриляпти. Ўшанда иккита кўприкнинг асосий конструкциялари турган, аммо улардан ҳали ўтиб бўлмасди. Айланма йўлдан ўтиб, ичимда: «Буни битказишга яна бир йилча кетса керак», деб ўйладим.

Тўрт кундан кейин «Бойсун баҳори»га бориш учун яна шу йўлга тушдим. Қарасам, ўша кўприклардан бемалол ўтиб кетяпмиз. Албатта, айрим жойларда якунланиши керак бўлган ишлар бор эди. Лекин энг муҳими — одамлар йўлдан фойдаланяпти.

Бугун мамлакатимизга хориждан келиб таҳсил олаётган талабалар ҳам кўп. Бу ҳам эътиборга молик ўзгариш. Ўйлайманки, Ўзбекистон барчамиз фахрланадиган мамлакатга айланади. Ҳозирнинг ўзида ҳам уни Марказий Осиё тараққиётини олдинга бошлаётган локомотивга қиёслаш мумкин. Бизнинг интеллектуал салоҳиятимиз катта.

— Усмон ака, бугунги юртимизда юз бераётган ислоҳотлар инсоннинг ишончини келажакка нисбатан мустаҳкамлайдими?

— Мен келажакка жуда ишонаман, Севдохон. Табиатан некбин одамман. Ўзбек халқига ишонаман, халқимни, Ватанимни яхши кўраман. Кўчадаги оддий бир янгилик, ободлик ҳам мени қувонтиради. Тошкентда узоқ йиллардан буён яшайман. Мустақилликкача бўлган даврлар ҳам эсимда. Ҳозиргидек майсазорлар, ранг-баранг гулзорлар кўп эмасди. Айрим жойлардаги кўкаламзорларни кўриб ҳам ҳайратланардик. Бугун радиога келаётиб, Навоий кўчасидан ўтдик. Қип-қизил, оппоқ гуллар — кўзни қувонтиради! Ҳаммаси дид билан парваришланган. Мен бунда халқимизнинг азалдан шаклланган дидини, ота-боболаримиз ва момоларимиздан қолган гўзалликка муҳаббатни кўраман. Бу дид бугун шаҳар қиёфасида ҳам намоён бўляпти. Хуллас, мен тобора танқидий руҳда гапиришдан кўра, фахрланишга арзийдиган ишларни айтишга кўпроқ интиладиган ижодкорга айланяпман. Бу кимгадир ёқар, кимгадир ёқмас. Ҳар кимнинг ўз қараши бор.

— Ўзингизга бу ҳолат маъқулми?

— Албатта, маъқул. Чунки кўрганларимни, ҳис қилганларимни айтяпман. Гапларимда ёлғон бўлса, айтсинлар. Мен халқимиз учун меҳнат қилаётган барча инсонларга — шеър ёзаётган ижодкорларга, даладаги деҳқонларга, корхоналардаги ишчиларга, янгилик яратаётган мутахассисларга ва уларга бошчилик қилаётган раҳбарларга соғлик-саломатлик тилайман.

— Насиб этса, келгусида ҳам шундай яхши кунларда сиз билан суҳбатлашамиз.

— Албатта. Мен юз ёшга киришни ният қилганман!

— Умрингиз узоқ бўлсин, Усмон ака!

— Шифокор менга: «Чекишни ташланг, умрингиз қисқаради», деди. «Қанчага?» деб сўрадим. «Икки йилга», деди. Шунда ҳазиллашиб: «Мен юз ёшга кирмоқчи эдим, унда тўқсон саккизга кира қоламан», дедим.

— Самимий суҳбат учун раҳмат, Усмон ака. Соғ бўлинг!

Севдо НИЁЗОВА суҳбатлашди



ИЛМГА БАХШИДА УМР:

ПРОФЕССОР НАЗАР ҲАКИМОВ 75 ЁШДА

Инсон ҳаётида шундай устозлар бўладики, улар берган билим дарсхона билан чекланиб қолмайди. Уларнинг илмий қарашлари, меҳнатга муносабати ва шогирдларига кўрсатган йўли кейинги авлодлар фаолиятида ҳам давом этади.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Назар Ҳакимович Ҳакимов ана шундай устозлардан биридир. Унинг кўп йиллик фаолияти таълим бериш, илмий изланишлар олиб бориш, олий таълим муассасаларига раҳбарлик қилиш ва ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш билан узвий боғлиқ.

Назар Ҳакимов 1951 йил 30 июнда Қашқадарё вилояти Ғузор туманининг ҳозирги Деҳқонобод тумани ҳудудига қарашли Хўжапулласт қишлоғида туғилган. 1973 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Унинг илмга қизиқиши талабалик йилларидаёқ шаклланиб, илмий тўгаракларда фаол иштирок этган. Кейинчалик, 1998 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини иқтисодчи мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан битирган. Тарих, фалсафа ва иқтисодиёт соҳаларида олган билими унинг кейинги тадқиқотларида жамият тараққиётига кенгроқ назар билан қарашига замин яратди.

Унинг меҳнат фаолияти 1973 йил 1 сентябрда Тошкент давлат консерваториясида ўқитувчиликдан бошланган. Ёш ўқитувчи учун бу давр билимни талабага етказиш билан бирга, унинг қизиқишлари ва дунёқарашини тушуниш мактаби ҳам бўлди. 1977–1980 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институти аспирантурасида таҳсил олиб, ёшларни ахлоқий тарбиялашда санъатнинг ўрнини тадқиқ қилди. 1981 йилда шу мавзу бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Назар Ҳакимовнинг илмий изланишлари кейинчалик шахс ва жамият муносабатлари, сиёсий маданият ҳамда демократик жараёнлар масалаларига йўналди. 1991 йилда у «Жамиятни демократлаштириш шароитида шахс сиёсий маданиятининг шаклланиши» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1993 йилда профессор илмий унвони тасдиқланди. Унинг «Сиёсий маданият», «Шахс сиёсий маданияти», «Миллий қадриятлар», «Комилликка интилиш» каби асарлари ҳам инсон тарбияси ва жамият ҳаётига оид изланишларининг мантиқий давоми бўлди.

Олимнинг фаолияти фақат илмий ишлар билан чекланмади. У Тошкент халқ хўжалиги институти ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ассистент, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, факультет декани ва проректор каби лавозимларда ишлади. Бу вазифаларда тўплаган тажрибаси унга таълим жараёнини ҳам ўқитувчи, ҳам раҳбар нуқтаи назаридан чуқур англаш имконини берди.

1997 йилда Н.Ҳакимов Қарши давлат университети ректори этиб тайинланди ва 2001 йилгача ушбу лавозимда фаолият юритди. Тақдим этилган биографик маълумотларга кўра, бу даврда университетда янги кафедралар ва мутахассисликлар очилди, халқаро алоқалар кенгайди. Айниқса, фалсафа соҳасидаги илмий муҳитни ривожлантириш ва ёш олимлар билан ишлашга эътибор қаратилди. Кейинги йилларда у Қашқадарё вилоятида ижтимоий масалалар ва касб-ҳунар таълими тизими билан боғлиқ раҳбарлик вазифаларини ҳам бажарди.

2005 йилдан бошлаб Назар Ҳакимов яна олий таълим тизимидаги фаолиятини давом эттирди. У Тошкент давлат иқтисодиёт университетида кафедра мудири, сўнг Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиалида ректор ўринбосари ва кафедра мудири бўлиб ишлади. Турли таълим муассасаларидаги бу тажриба унинг педагогик қарашларини бойитиб, таълим сифати ва ўқитиш усулларига доимий эътибор қаратишига хизмат қилди.

Профессорнинг илмий мероси серқирра. У сиёсий маданият ва фуқаролик жамиятидан ташқари, ватанпарварлик тарбияси, инсон экологияси, атроф-муҳит муҳофазаси ва фалсафий мерос мавзуларида ҳам асарлар яратган. «Фуқаролик жамияти тараққиёти ва ёшлар ахлоқий тарбияси», «Инсон экологияси», «Абу Али ибн Сино фалсафий меросининг талабалар ахлоқий маданиятини юксалтиришдаги ўрни» каби ишларида унинг инсон камолоти масаласига бўлган қизиқиши яққол намоён бўлади. У дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш орқали ўз тадқиқотларини таълим жараёни билан ҳам узвий боғлаб келмоқда.

Устоз меҳнатининг яна бир муҳим натижаси — шогирдларидир. Тақдим этилган маълумотларга кўра, Назар Ҳакимовнинг илмий раҳбарлигида уч нафар тадқиқотчи докторлик, 11 нафар илмий ходим эса номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Ҳар бир бундай иш ортида мавзу танлаш, манбаларни ўрганиш, фикрни асослаш ва илмий баҳсга тайёрланиш каби узоқ ва машаққатли жараён бор. Шу боис шогирднинг ҳар бир ютуғи устознинг сабр-тоқати ва масъулиятли меҳнатини ҳам акс эттиради.

Н.Ҳакимовнинг хизматлари турли йилларда эътироф этилган. У Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Қарши давлат университетининг фахрий профессори унвонларига сазовор бўлган. 2024 йилда Турон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган. Ҳозирда Тошкент амалий фанлар университетининг «Тарих ва ижтимоий фанлар» кафедрасида тадқиқотчи профессор сифатида фаолият юритмоқда.

Профессор Назар Ҳакимовнинг ҳаёт йўли илм ва устозлик узлуксиз меҳнат эканини кўрсатади. Унинг китоблари талабалар қўлида, илмий қарашлари тадқиқотларда, берган сабоқлари эса шогирдлари фаолиятида яшашда давом этмоқда.

Дилрабо АМРИДИНОВА
Тошкент амалий фанлар университети профессори, фалсафа фанлари доктори

Куз бизга нимани ўргатади?

Кузнинг бир ғалати одати бор: у одамни шошилишдан тўхтатади.

Ёзда биз вақт ортидан югурамиз. Сафарлар, меҳмончиликлар, режалар, таътиллар, тўйлар, ишлар... Кун узун, қуёш кўп, ҳаёт ҳам гўё тезроқ ҳаракатланаётгандек. Куз келиши билан эса табиатнинг ўзи суръатни пасайтиради. Эрталаб ҳаво салқин, кечқурун эртароқ қоронғу тушади. Дарахтлар япроқларини бирма-бир ташлайди. Кўчаларда хазон ҳиди пайдо бўлади.

Шундай пайтда инсон ҳам беихтиёр ўзига қайтиб қолади. «Нега бунчалик чарчадим?», «Нима учун аввалгидек ҳеч нарсага иштиёқим йўқ?», «Қачон охирги марта шунчаки ўзим учун яшадим?», «Мен бахтлиманми ўзи?»

Балким, кузнинг энг муҳим саволи ҳам шудир: биз яшаяпмизми ёки фақат вазифаларни бажариб боряпмизми?

Замонавий одамнинг чарчоғи қизиқ: у баъзан жисмоний меҳнат қилмасдан ҳам толиқади.

Эрталаб уйғониши билан телефон. Хабарлар. Ижтимоий тармоқлар. Йўл. Иш. Учрашув. Қўнғироқ. Яна телефон. Уйга қайтгач — оилавий ташвишлар. Ухлашдан олдин ҳам экран. Тана ётган бўлади, аммо мия ҳали ҳам «ишлаяпти».

Шунинг учун баъзан саккиз соат ухлаган одам ҳам эрталаб чарчаб уйғониши мумкин. Дам олиш фақат ётиш ёки ухлаш дегани эмас. Инсонга ахборотдан, шовқиндан, қарор қабул қилишдан, доим кимгадир жавоб беришдан ҳам танаффус керак.

Кузда бу чарчоқ янада сезиларли бўлиши мумкин. Чунки кунлар қисқаради, табиий ёруғлик камаяди. АҚШ Миллий руҳий саломатлик институти маълумотларига кўра, айрим одамларда куз ва қиш фаслида кайфият пасайиши, энергия камайиши, кўпроқ ухлагиси келиши, диққатни жамлаш қийинлашиши кузатилади. Оғирроқ ҳолатларда бу мавсумий аффектив бузилиш — мавсум билан боғлиқ депрессия шакли бўлиши мумкин. Олимлар бу жараённи кун ёруғлигининг камайиши, организмнинг кун-тун ритми ҳамда серотонин ва мелатонин тизимидаги ўзгаришлар билан боғлайдилар.

Демак, кузда «мен дангаса бўлиб қолдим» деб ўзимизни койишдан олдин организмимизни ҳам эшитишимиз керак. Балким, у шунчаки: «Мен чарчадим», деяпти.

Кузда дарахтларга қараб бир ҳақиқатни яна бир бор англайсиз: табиат ҳеч нарсани абадий ушлаб турмайди.

Баҳор келади. Барг чиқади. Ёзда яшнайди. Кузда сарғаяди. Ва бир куни узилади. Инсон умри ҳам фаслларга ўхшайди.

Биз эса кўпинча ҳаётни «кейин»га қолдирамиз. Кейин дам оламан. Кейин ота-онам билан кўпроқ ўтираман. Кейин болаларимга вақт ажратаман. Кейин дўстларимни кўраман. Кейин ўзим учун яшайман. Кейин саёҳат қиламан. Кейин китоб ўқийман. Кейин соғлиғим билан шуғулланаман.

Аммо ҳаётнинг энг хавфли сўзларидан бири — «кейин» бўлса керак. Чунки вақт биз режалаштирган тезликда эмас, ўз тезлигида ўтади.

Бугун қўлингиздан ушлаб мактабга олиб бораётган фарзандингиз бир неча йилдан кейин сиздан баланд бўлиб қолади. Бугун ҳар куни телефон қилаётган ота-онангизнинг овозини бир куни соғиниб қолишингиз мумкин. Бугун «ҳали ёшман» деб ўйлаётган инсон эртага суратларини кўриб: «Вақт қачон ўтиб кетди?» дейди.

Шунинг учун умрни қадрлаш қарилик мавзуси эмас. У — бугуннинг мавзуси.

Биз бошқалардан кўп сўраймиз: «Яхшимисиз?», «Ишлар қалай?», «Болалар тинчми?» Аммо ўзимиздан камдан-кам сўраймиз: «Мен қандайман?»

Ростдан ҳам, қандайсиз? Чарчадингизми? Сизни нимадир хафа қиляптими? Сизга сукут керакми? Кимнидир соғиндингизми? Ёки шунчаки бир кун ҳеч қаерга шошилмасликни истаяпсизми?

Бу саволларга жавоб бериш заифлик эмас. Аксинча, инсоннинг ўзини англаши.

Агар кузда кайфиятнинг пасайиши қисқа муддатли бўлса, кундузги ёруғликка чиқиш, яқинлар билан мулоқот қилиш, жисмоний фаоллик ва ёқимли машғулотларга вақт ажратиш ёрдам бериши мумкин. Аммо тушкунлик, қизиқишнинг йўқолиши, уйқу ёки иштаҳада жиддий ўзгаришлар икки ҳафтадан ортиқ давом этса ва кундалик ҳаётга халал берса, буни фақат «кузги кайфият» деб кўя қолмасдан, шифокор ёки руҳий саломатлик мутахассисига мурожаат қилиш муҳим.

Куз — фақат хазон фасли эмас. У бироз тўхташ фасли. Орқага қараш фасли. Ортиқча юкларни ташлаш фасли. Кечириш фасли. Шукр қилиш фасли. Ва энг муҳими — ҳали бор нарсаларнинг қадрини билиш фасли.

Дарахт япроғини ташлагани билан ҳаёт тугамайди. У қишни кутади, кейин яна куртак чиқаради. Инсон ҳаётида ҳам шундай даврлар бор: баъзан жуда фаол бўламиз, баъзан эса секинлашишимиз керак.

Ҳар бир секинлашиш — ортга кетиш эмас. Баъзан у тикланишдир.

Шу кузда ўзингизга бир кичик имконият беринг: бир кунни режаларсиз ўтказинг. Ота-онангизга қўнғироқ қилинг. Фарзандингиз билан телефонсиз сайр қилинг. Эски дўстингизни йўқланг. Севган инсонингизга уни қадрлашингизни айтинг. Бир кеча ижтимоий тармоқларни ёпинг. Иссиқ чой дамланг ва дераза ёнида бироз жим ўтиринг.

Сўнг ўзингиздан сўранг: «Мен бугун ҳаётимни ҳис қилдимми?»

Чунки бахт ҳар доим ҳам баланд овоз билан келмайди. Баъзан у кузги тонгдек сокин келади. Бир пиёла чой бўлиб. Яқин инсоннинг овози бўлиб. Фарзандингизнинг кулгиси бўлиб. Соғлиқ бўлиб. Хотиржамлик бўлиб. Ҳатто дераза ортида секин тушаётган битта сариқ барг бўлиб...

Биз эса уни кўпинча катта бахтни кутиб, сезмай ўтиб кетамиз.

Умрнинг қадри унинг қанча давом этишидагина эмас, уни қанчалик ҳис қилиб яшаганимизда ҳамдир.

КИБЕРПРЕСТУПНОСТЬ В УЗБЕКИСТАНЕ: МАСШТАБЫ УГРОЗЫ И НОВЫЕ МЕРЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ

Стремительная цифровизация Узбекистана создает новые возможности для граждан, бизнеса и государства, но одновременно увеличивает риски в сфере информационной безопасности. Онлайн-банкинг, электронные платежи, социальные сети, государственные цифровые сервисы и мобильные приложения становятся неотъемлемой частью повседневной жизни. Вместе с этим растет и число преступлений, совершаемых с использованием информационных технологий.

Сегодня киберпреступность в Узбекистане уже нельзя рассматривать исключительно как техническую проблему. Она непосредственно затрагивает финансовую безопасность граждан, защиту персональных данных, деятельность организаций и устойчивость цифровой инфраструктуры страны.

КИБЕРПРЕСТУПНОСТЬ ДЕМОНСТРИРУЕТ РЕЗКИЙ РОСТ

По данным, представленным на заседании под председательством Президента Узбекистана 12 марта 2026 года, за последние шесть лет количество обращений по фактам киберпреступлений в стране выросло в 48 раз.

Согласно приведенным данным, в 2025 году 82 процента мошенничеств и 76 процентов краж были совершены в киберпространстве. Общий материальный ущерб, причиненный гражданам и юридическим лицам в результате таких преступлений, превысил 2 триллиона сумов.

Эти показатели свидетельствуют о том, что цифровая среда становится одним из основных пространств для совершения имущественных преступлений.

При этом статистику необходимо правильно интерпретировать: приведенные показатели характеризуют преступления, связанные с киберпространством, но не означают, что все традиционные виды преступлений полностью переместились в интернет.

Почти половина зарегистрированных преступлений в 2025 году пришлась на киберпреступления.

Согласно официальному отчету Министерства внутренних дел Республики Узбекистан по итогам 2025 года, в стране было зарегистрировано 155 002 преступления. Из них 76 852 были классифицированы как киберпреступления, что составляет 49,6 процента от общего количества зарегистрированных преступлений.

Эти же данные были представлены Министерством внутренних дел на заседании Сената Олий Мажлиса в марте 2026 года.

Таким образом, показатель 49,6 процента следует понимать именно как долю преступлений, которые в официальной статистике МВД были отнесены к категории киберпреступлений. Использовать эту цифру как утверждение о том, что «половина всех преступлений в стране совершается через интернет», было бы некорректно.

Банковские карты остаются одной из главных целей преступников. Значительная часть киберпреступлений в Узбекистане связана с финансовыми операциями.

По данным МВД, широко используются схемы, направленные на получение доступа к банковским картам, мобильным устройствам и кодам подтверждения. Злоумышленники применяют вредоносные ссылки и программы, а также методы социальной инженерии.

Социальная инженерия особенно опасна тем, что преступнику зачастую не требуется непосредственно взламывать банковскую систему. Достаточно убедить человека самостоятельно передать необходимые сведения или выполнить определенные действия.

Например, мошенник может представиться сотрудником банка, правоохранительных органов, оператора связи или другой организации. Затем он сообщает о якобы подозрительной операции и просит назвать код из СМС, установить приложение или перевести деньги на «безопасный» счет.

Поэтому человеческий фактор остается одним из наиболее важных элементов кибербезопасности.

БОРЬБА С КИБЕРПРЕСТУПНОСТЬЮ СТАЛА ГОСУДАРСТВЕННЫМ ПРИОРИТЕТОМ

В 2026 году в Узбекистане особое внимание уделяется борьбе с киберпреступностью и ее профилактике.

По данным МВД, в рамках проведенных мероприятий было раскрыто 9 282 киберпреступления, еще 4 011 преступлений выявлены по инициативе правоохранительных органов.

Более 13 тысячам граждан был возмещен причиненный материальный ущерб на сумму свыше 120,496 миллиарда сумов.

Кроме того, совместная работа МВД и Центрального банка позволила предотвратить незаконный вывод 29 триллионов сумов и заблокировать 18 838 банковских карт, связанных с преступной деятельностью.

При этом важно подчеркнуть: 29 триллионов сумов — это не сумма фактически причиненного ущерба. Речь идет о средствах, незаконный вывод которых удалось предотвратить.

ТЕХНИЧЕСКИЕ КИБЕРУГРОЗЫ: ДАННЫЕ UZCERT

Киберпреступность не ограничивается мошенничеством с банковскими картами. Государственные информационные системы, сайты организаций и другие цифровые ресурсы также подвергаются разным атакам.

Национальная служба реагирования на компьютерные инциденты UZCERT по итогам 2025 года сообщала о выявлении 247 киберинцидентов, более 2 миллионов киберугроз и более 700 уязвимостей веб-ресурсов. Кроме того, были заблокированы фишинговые сайты и проведен анализ вредоносных файлов.

Эти данные нельзя напрямую сравнивать со статистикой МВД. Министерство учитывает преступления с точки зрения правоохранительной деятельности, тогда как UZCERT занимается преимущественно техническим мониторингом киберугроз, инцидентов и уязвимостей.

Это принципиально важно: киберугроза, киберинцидент и уголовное преступление — не одно и то же понятие.

ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ СОЗДАЕТ НОВЫЕ РИСКИ

Развитие генеративного искусственного интеллекта открывает новые возможности не только для законопослушных пользователей, но и для преступников.

С помощью современных технологий становится проще создавать убедительные тексты, изображения, аудио и видео. Это потенциально позволяет злоумышленникам выдавать себя за других людей, создавать более реалистичные мошеннические сообщения и совершенствовать методы социальной инженерии.

УЗБЕКИСТАН УЖЕ НАЧАЛ УЧИТЫВАТЬ ЭТИ РИСКИ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ

В 2026 году были внесены новые нормы, регулирующие отношения, связанные с использованием искусственного интеллекта, в том числе в сфере защиты персональных данных. Закон предусматривает ответственность за определенные незаконные действия с персональными данными, совершенные с использованием технологий искусственного интеллекта.

Это показывает, что государственная политика постепенно адаптируется к новым технологическим рискам.

СТРАТЕГИЯ КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ НА 2026–2030 ГОДЫ

Одним из важнейших шагов в 2026 году стало утверждение Стратегии кибербезопасности Республики Узбекистан на 2026–2030 годы.

Указом Президента Республики Узбекистан № УП–38 от 10 марта 2026 года определены основные направления государственной политики в сфере кибербезопасности.

Стратегия предусматривает укрепление национальной киберустойчивости, защиту государственной и критической цифровой инфраструктуры, совершенствование механизмов реагирования на киберинциденты, развитие цифровой криминалистики, повышение квалификации специалистов и расширение международного сотрудничества.

Особое значение имеет то, что стратегия ориентирована не только на расследование уже совершенных преступлений, но и на предупреждение киберугроз и повышение устойчивости цифровой инфраструктуры.

ПОЧЕМУ ПРОФИЛАКТИКА СТАНОВИТСЯ ОСОБЕННО ВАЖНОЙ

Киберпреступление может развиваться значительно быстрее традиционного преступления. Получив доступ к банковскому аккаунту или платежным данным, злоумышленник способен вывести деньги за считаные минуты.

Поэтому эффективная борьба с киберпреступностью предполагает не только расследование преступлений, но и их предотвращение.

Для государства это означает необходимость постоянного совершенствования информационных систем, обмена данными между правоохранительными органами и финансовыми организациями, мониторинга подозрительных операций и оперативного реагирования на киберинциденты.

Для граждан ключевыми мерами остаются цифровая грамотность и осторожность.

КАК ГРАЖДАНАМ ЗАЩИТИТЬ СЕБЯ

Специалисты по кибербезопасности рекомендуют соблюдать несколько базовых правил:

никогда не сообщать посторонним СМС-коды, пароли и данные банковских карт;

не устанавливать приложения по неизвестным ссылкам;

не открывать подозрительные ссылки в СМС, мессенджерах и социальных сетях;

использовать двухфакторную аутентификацию;

применять разные сложные пароли для важных аккаунтов;

регулярно обновлять операционную систему и приложения;

не доверять звонкам людей, которые требуют немедленно перевести деньги или сообщить конфиденциальную информацию;

самостоятельно перезванивать в банк или государственное учреждение по официальному номеру, если возникли сомнения;

с осторожностью относиться к аудио- и видеосообщениям, которые могут быть созданы или изменены с использованием искусственного интеллекта.

Особенно важно объяснять эти правила детям и пожилым людям, поскольку преступники нередко выбирают людей, которые имеют меньше опыта работы с цифровыми технологиями.

ЧТО ПОКАЗЫВАЮТ ПОСЛЕДНИЕ ДАННЫЕ

Официальная статистика последних лет показывает устойчивую тенденцию: киберпреступность в Узбекистане становится все более масштабной и разнообразной.

В 2025 году МВД зарегистрировало 76 852 киберпреступления. В марте 2026 года Президенту была представлена информация о 48-кратном росте количества обращений по фактам киберпреступлений за шесть лет и об ущербе свыше 2 триллионов сумов за 2025 год. В 2026 году государственные органы усилили профилактическую работу, финансовый мониторинг и техническую защиту цифровой инфраструктуры.

Одновременно страна формирует долгосрочную нормативную основу: утверждена Стратегия кибербезопасности на 2026–2030 годы, совершенствуется законодательство в сфере искусственного интеллекта и защиты персональных данных, расширяется взаимодействие МВД, Центрального банка и специализированных подразделений кибербезопасности.

Киберпреступность в Узбекистане стала одним из наиболее заметных вызовов цифровой трансформации. Рост числа преступлений, связанных с информационными технологиями, финансовое мошенничество, хищение персональных данных, фишинг и появление новых схем с использованием искусственного интеллекта требуют комплексного ответа.

При этом официальные данные показывают, что государство последовательно усиливает меры противодействия: совершенствует законодательство, расширяет технический мониторинг, блокирует подозрительные финансовые операции, развивает расследование киберпреступлений и повышает цифровую грамотность населения.

Однако устойчивую защиту цифровой среды невозможно обеспечить только государственными мерами. Она требует совместной ответственности государства, банков, бизнеса, IT-специалистов и самих граждан.

В условиях дальнейшей цифровизации экономики Узбекистана кибербезопасность становится не отдельным техническим направлением, а важной частью национальной, экономической и общественной безопасности страны.

ДОВЕРИЕ ИЗБИРАТЕЛЕЙ — ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ДЕПУТАТА



Расулов Улугбек Джамолитдинович родился 13 октября 1976 года в городе Ташкенте. По национальности — узбек. В настоящее время является учредителем и менеджером ООО «ORIENT CERAMIC». Член Экологической партии Узбекистана.

На протяжении многих лет трудовой и общественной деятельности он непосредственно сталкивался с проблемами, которые волнуют граждан в повседневной жизни, и хорошо знает их предложения и обращения. В 2019 году был избран депутатом Чиланзарского районного Кенгаша народных депутатов от Экологической партии Узбекистана. В 2024 году был избран депутатом Ташкентского городского Кенгаша народных депутатов по 25-му Катартальскому избирательному округу.

В депутатской деятельности Улугбека Расулова особое место занимают работа с обращениями граждан, решение социально-бытовых проблем населения, улучшение экологической ситуации в городе, сохранение зеленых насаждений и вопросы благоустройства.





— Улугбек Джамолитдинович, как начиналась ваша депутатская деятельность?

— Моя депутатская деятельность началась в 2019 году. В том году я был избран депутатом Чиланзарского районного Кенгаша народных депутатов от Экологической партии Узбекистана.

Я много лет работаю в сфере предпринимательства. За это время мне довелось постоянно общаться с людьми, представителями самых разных профессий и социальных групп. Поэтому я хорошо знаю проблемы, которые волнуют граждан. Ко мне часто обращались по вопросам состояния дорог, благоустройства, коммунальных услуг, экологической ситуации и других проблем.

Тогда я пришел к выводу, что недостаточно просто говорить о существующих проблемах — необходимо непосредственно участвовать в их решении. Депутатская деятельность дала мне такую возможность.

Вопросы экологии также всегда были мне близки. Здоровье людей, чистота города, сохранение деревьев и зеленых зон — одни из важнейших вопросов современности. Именно поэтому я выбрал Экологическую партию.

Работа в районном Кенгаше дала мне большой практический опыт. Я научился более эффективно взаимодействовать с населением, изучать обращения граждан, направлять депутатские запросы в соответствующие организации, выезжать на места и контролировать решение проблем.

